



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



FORISH

XALQ FAROVONLIGI VA YURT
OBODLIGI UCHUN

№ 15 (7315)

2022 yil 7 may, Shanba

XALQ DEPUTATLARI FORISH TUMAN KENGASHI
VA TUMAN HOKIMLIGI GAZETASI

1936 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan



Forish_tongi@inbox.uz



t.me/forishtongi

TONGI

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ЖАСОРАТ



Иккинчи Жаҳон урушида қозонилган ғалабада туманимиз халқининг ҳам катта ҳиссаси бор. 1941 – 1945-йилларда 3984 нафар алп йигитларимиз фронтга отландилар. Улар Сталинград, Москва оstonаларидаги жангларда, Беларусия, Украина ерларини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг 1824 нафари ҳалок бўлиб, қанчаси бедарак кетди, яна қанчаси майиб-мажруҳ ҳолда қайтиб келди.

Иккинчи Жаҳон уруши даврида тумандаги меҳнатга яроқли ўғлонларимизнинг фронтга сафарбар этилиши сабабли улар ўрнини асосан қариялар, аёллар, ўсмир ўғил-қизлар эгалладилар. 1941 йил 4 август куни туманда фаоллар йиғилиши ўтказилади. Фаоллар йиғилишида Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозониш янада юксак интизом ва уюшқоқлик билан ишлаш, режаларни сўзсиз бажариш ҳамда мудофаа фондига маблағ тўплаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

1941 йил сентябрь ойидан фронт учун киши кийим-кечаклар йиғишга киришилади. Туманда юзлаб отлар йиғилиб, ўзбек отлик дивизиясига юборилади. Шу билан бирга Ўзбекистон танк колоннаси учун маблағ тўплаш, ҳарбий заём, лоторея облигацияларига ёзилиш бошлаб юборилади.

1942 йилда туман меҳнаткашлари 1130 минг сўмлик ҳарбий заём ҳамда 25 000 сўмлик лотореяга ёзиладилар.

1942 йил кўкламида колхозлардаги қўйларни соғиб, бринза тайёрлаб, фронтга жўнатиш бошланди. Қисқа муддатда 201 ц. бринза тайёрланиб, фронтга жўнатилди. Форишликлар уруш йилларида Ўзбекистонда бўлаётган улкан қурилишларда ҳам фаол қатнашишди. Жумладан, 1942 йилда Бекобод металлургия заводи қурилишида 86 нафар форишликлар иштирок этган. Форишликларнинг Фарҳод ГЭС қурилишига қўшган ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. ГЭС қурилишида қатнашган форишликлар режадаги 4,9 минг кубометр ўрнига 61 минг кубометр тупроқ қазиди, ташиш иш-

ларини бажариб, 20 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланиб, илгорлар китобига ёзилган.

1942 – 43 йилларда туман халқи танк ва авиа эскадрилья қурилиши учун 1,5 миллион сўмдан зиёд маблағ тўплаб топширишди. 2190 килограмм гўшт юборилади. Немис фашист босқинчиларидан озод этилган Харьков шаҳри аҳолиси учун 1943 йилда 2 ишчи от, 4 сигир, 261 кўй, 5423 килограмм галла, 4062 килограмм туршак, 59 килограмм сарғег жўнатилади. Халқимиз ўзи бир бурда нон билан қиёяланса ҳам бор будини ғалаба учун сарфлади.

Уруш йилларида Киров номи давлат хўжалиги («Эгизбулок» маҳалласи) меҳнаткашларининг ғалабага қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу хўжалик фронтга 190 та от, 11 та «ЗИС-5» автомашинаси, 48 та от-арава жўнатди. Душман босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан кўчирилган 50 та оилага бошпана бериб, иш билан таъминлади.

Уруш ғалаба билан тугади. Бу ғалабага барча ўзбекистонликлар қатори форишликлар ҳам ўз ҳиссасини қўшдилар. Фронтга кетган форишлик йигитларнинг бир қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб ўз қишлоғига, отонаси, оиласи бағрига қайтиб келди. Аммо олдинги сафларда туриб фашистлар билан жанг қилган 1824 нафар форишлик йигитлар ўзга юртлар тупроғига абадий мангуликка бош қўйишди. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ҳалок бўлган барча форишликлар миннатдор авлодлар учун руҳан тирикдир.

**Рашид
КАРИМОВ.**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияни депутат Юлдош Кенгашев бошқариб борди.

Сессияда дастлаб депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонасининг маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ўргиниш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонасининг 2022 йил 1-чорак давомида амалга оширган иш фаолияти ҳамда «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган ишлар аҳоли юзасидан ахборотини

тингладилар. Кун тартибидagi ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси мутахассиси Элёр Ўришбоев ахборот берди.

Шунингдек, сессияда депутатлар туман адлия бўлими бошлиғи Ойбек Йўлдошевнинг туман Адлия бўлими томонидан 2022 йилнинг 1-чораги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими етакчи мутахассиси Сабоҳат Қўнарованиннг тумандаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича «Йўл харитаси»ни ҳамда «Аёллар дафтари»нинг 3-босқич рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон ёшлар агентлиги

туман бўлими бошлиғи Фурқат Йўлдошевнинг Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғининг ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларда учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар бўйича ҳам ахборотларини эшитиб, муҳокама қилдилар.

Сессияда шунингдек, туман бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида голиб тақлифларни «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳамда туман маҳаллий бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисидаги масала ҳам қараб чиқилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рашид КАРИМОВ.

СЕЛ ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛИБ, ТАЛОФАТ КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

2022 йил 20 апрель куни республикаимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби туманидаги «Эгизбулок» маҳалласида кучли ёғингарчилик натижасида сел келиш ҳолати юзага келди. Маҳалла ҳудудида 1 соат 30 дақиқага яқин вақт давомида ёғиб ўтган ёмғир бир ойлик ёғингарчилик микдорини ташкил этди.

«Эгизбулок» маҳалласининг тоғ қисмидаги 5 та сойдан оққан сув бирлашиб, кучли сел оқими юзага келтирган. Оқиб келган сел маҳалла хонадонларига, томорқаларига, ёрдамчи хўжалик биноларига, автомобил йўлларига зарар етказди. Жумладан, сел маҳаллада жойлашган 260 та хўжаликдан ўтиб, уларнинг 53 таси тўлиқ талофат кўрган. 44 таси ўрта ва 163 таси енгил даражада талофат кўрган.

Қутқарувчилар томонидан 6 нафар фуқаро сел оқимлари ичидан қутқарилган. 5 нафар фуқаро вафот этган. Ушбу ҳудудда бундай сел оқимлари бундан тахминан 80 йиллар аввал кузатилган.

Сел оқими маҳалла ҳудудидаги 15-умумтаълим мактаби ва 9-сонли давлат мактабгача таълим муассасаси ҳовлисига ва ушбу муассасалар биноларининг 1-қаватида қисман кирган. Маҳалла ҳуду-



дидаги 1,5 километр ички йўللarga сел сувлари тошиши оқибатида тош, қум-шағал, оқизиклар тўпланиб қолиб, транспорт воситалари ҳаракати вақтинчалик тўхтатилган.

«Эгизбулок» маҳалласида сел оқибатларини бартараф этиш, талофат кўрганларга ёрдам бериш мақсадида Жиззах вилоят ҳокими Эргаш Салиев раҳбарлигида штаб ташкил этилган бўлиб, штаб туну-кун фаолият олиб бораёпти.

Маҳаллада сел оқибатларини бартараф этиш



мақсадида фавқулодда вазиятлар бўлинмалари, Фориш туманидаги, Жиззах вилояти корхона, ташкилот, муассасалардан ташқари, республикаимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам ҳашарчилар ёрдамга келиб кўмак берапти. Сел оқибатларини бартараф этишга 50 дан зиёд махсус техника воситалари сафарбар этилган.

Бундан ташқари, маҳаллада селдан талофат кўрганларга инсонпарварлик ёрдам кўрсатиш штаби ташкил этилган. Нафақат Жиззах вилоятидан балки республикаимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари қарвони келаяпти. Ушбу гуманитар ёрдамлар селдан талофат кўрган аҳолига етказиб берилмоқда.

Республикаимиз ҳукумати томонидан сел натижасида уй-жойидан айрилган фуқароларга уй-жой қуриб бериш ва уйи қисман зарар кўрганларни уй-жойини таъмирлаб бериш ҳамда маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳодиса оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда.

«Эгизбулок» маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан аҳоли кунлик хабардор қилиб борилади.

**ФОРИШ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ.**

Мухим сиёсий жараён олдидан

САЙЛОВЛАРНИНГ ОШКОРА ВА ШАФФОФ ЎТИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 16 мартдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фориш туманида фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 30 март кунини Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияси ўтказилиб, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг таркиби тасдиқланди.

Жорий йилнинг 7 апрель кунини фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 16 мартдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси ва чора-тадбирлар режасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган биринчи йиғилиши ўтказилди.

Мазкур йиғилишда жорий йилнинг май ойида тумандаги 25 та маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, туман комиссияси аъзоларини маҳаллаларга бириктириш, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини фуқаролар йиғинини йиғилиши шаклида ўтказиш, фуқаролар йиғинларида вакиллик нормаларини белгилаш, фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини тузиш ва сайловни ўтказиш жадвалини тасдиқлаш, фуқаролар йиғини раислари (оксоқоллари) лавозимига номзодларни белгиланган тартибда шакллантириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашув-

чи туман комиссияси томонидан 2022 йилнинг май ойида ўтадиган сайловни ошкора ва шаффоф тарзда ўтиши учун алоҳида эътибор берилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайлови бўлиб ўтадиган объектлар бўйича манзиллар шакллантирилди. Жумладан, 1 та маданият марказида, 1 та маҳалла марказида, 1 та маҳалла биносидан, 22 та маҳаллаларда жойлашган умумтаълим мактабларида ўтказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонунга кўра фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар тўғрисидаги ахборот билан аҳолини мунтазам таништириб бориш тизими амалиётга жорий этилди. Унга кўра, расмий веб-сайтларга сайлов

ўтказилишидан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) лавозимига номзодлар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Бу сайловларнинг шаффоф ўтиши ва ошкоралигини таъминлайди.

Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнларида фуқаролар вакиллари ҳам қатор талаблар ўрнатилди. Эндиликда қоида тарикасида ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга кишилар вакил бўлишади. Бунда фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) лавозимига кўрсатилган номзодлар ёки уларнинг яқин қариндошлари вакил бўлиши мумкин эмас. Албатта, бу сайловнинг демократик таъминлашга эришиши таъминлайди.

Бугунги кунда тумандаги 25 та маҳаллалардаги фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар



томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) лавозимига номзодлар қонунда кўрсатилган тартибда шакллантирилди. Қайси номзодни маҳаллага етакчи қилиб сайлаш эса сайловчилар танловига боғлиқ.

Ойбек ЙЎЛДОШЕВ,
туман адлия бўлими бошлиғи, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси.

9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ, деганлари бежиз эмас. Хотира, аجدодлар билан авлодларнинг узвийлигини, яъни ўтмишини, бугун ва эртани бирлаштирадиган муқаддас кўприқдир.

Юртимизда ҳар йили 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Мамлакатимизда Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинган. 9 май Хотира ва Қадрлаш кунини байрам тадбирлари йил мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ташкил этилади. 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хотираси олдида ҳурмат бажо келтирилади, юртимизда меҳр-муҳаббат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳити янада мустаҳкамланади, ҳамда бу муқаддас айём юксак савияда нишонланади.

Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлар эканми, Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалаба халқимиз учун нақадар қимматга тушганини, муҳлиш қирғинларда қанча қурбон ҳамда йўқотишлар берилганини, қанчадан-қанча етим-есирларнинг ох-у фарёди, азоб-уқубатларини яна бир қарра чуқур ҳис этамиз.

Уруш бошланган пайтда туманимиздан 3984 нафар юртдошларимиз қурол кўтариб, жангга кирдилар. Уларнинг 1824 нафари ҳалок бўлгани, қанчаси бедарак кетиб, яна қанчаси майиб-мажруҳ ҳолда қайтгани ҳаммамизга яхши маълум. Шунинг баробарида, фронт ортида кунни тунга улаб меҳнат қилган минглаб юртдошларимиз чеккан заҳматлари, ўзи емай, ўзи киймай, топган насибасини жанг-гоҳларга жўнатиб кўрсатган фидойиликларини ёддан чиқариб бўлмайди.

Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунини муқаддас масканлар анвойи гулларга

бурканади. Халқимиз дорилмон кунларимиз учун ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этадилар, уларнинг жасоратлари олдида бош этадилар.

Дарҳақиқат, истиклол шарофати билан фронт ортида меҳнат қилганлар ва бошқа кексаларимизга ҳар қачонгидан кўпроқ ғамхўрлик, иззат-икром ва меҳр кўрсатилади. Маҳаллаларда, умумтаълим мактаблари ва меҳнат жамоаларида меҳнат фахрийлари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. Бундай тадбирлар ёшларимизни Ватанга муносиб фарзанд бўлишга, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишга ундаши шубҳасиз.

Шукрки, бугун юртимизда тинчлик ҳукм сурмоқда. Кўнглимиз хотиржамлиги, рўзгоримиз тўқинлиги ана шу тинчлик шарофатидан. Унинг қадрига етишимиз, бу кунларга осонликча эришмаганлигимизни ёшлар онгига синдиришимиз даркор. Бугун кексаларимиз эъзоз-эътиборда. Қадр топган кишининг қадри баланд, ҳаётга муҳаббати, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади.

Ҳа, хотира ва қадрлаш халқимизнинг асрий қадриятлари, улугъ фазилатларидан биридир. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганлар, жанг майдонларида жонини фидо этган ота-боболаримиз, сабр-бардош билан фронт ортида меҳнат қилган, фарзандлари учун асраб қўйган бир бурда нонини ҳам урушнинг оловли нуқталаридан Ўзбекистонга эвакуация қилинган етим болалар билан баҳам кўрган момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш сиз билан бизнинг муқаддас бурчимиз, энг эзгу амалимиз бўлмоғи лозим.

Холмат МАМАТОВ,
туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси.

БИР НУРОНИЙ ЎН ЁШГА МАСЪУЛ

2022 йилнинг 15 мартдан «Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришдаги ташаббускор нуронийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги учун меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

2022 йил 1 апрелдан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда соғломлаштирилади.

Шунингдек, шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга рецептга асосан 3 ойлик эҳтиёж асосида дорилар, тиббий ва



махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади.

Оғир ташхисли касал ҳамда ногирон кексаларга шифокорлар рецептига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизига-ча суммаси компенсация қилинади.

Кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун

абонент харажатлари қопланади.

Давлат театрлари ва музейларга кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади.

2022 йил 1 сентябргача кексаларга оид маълумот ва янгиликлар уларнинг мобил телефон рақамларига СМС орқали маълум қилиб борилади.

Ёрқин НУРҚУЛОВ,
Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи.

БУСТЕР ДОЗА БИЛАН ЭМЛАНДИНГИЗМИ?

Мамлакатимизда коронавирусга қарши курашиш мақсадида кенг қамровли эмлаш тадбирлари амалга ошириляпти. Жумладан, туманимизда ҳам айни кунгача 25 мингдан зиёд фуқаролар бустер доза билан эмланди.

Пандемия даврида коронавирус инфекцияси ва унинг оғир асоратларидан қутилишнинг энг самарали йўли касалликка қарши эмланиш эканлиги бугун барчага аён. Шу боисдан дунё олимлари инсониятни вирусга қарши тўлиқ дозаларда вакцина олишга, агар олган бўлса, бустер, яъни қўшимча доза билан эмланишга чақирмоқда.

Юртимизда 2021 йилнинг 17 ноябридан вакцина курсини тўлиқ олган фуқароларни бустер доза билан ихтиёрий эмлаш бошланган. Туманимизда тўлиқ эмлаш курсини олган фуқаролар вакцинанинг биринчи дозасини олганига 6 ой ва ундан ортиқ муддат ўтди. Ҳозирда

мазкур аҳоли қатламини бустер доза билан эмлаш тадбирлари давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бустер дозани коронавирусга қарши вакцинанинг ҳар қандай туридан фойдаланган ҳолда олиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу эмланиш фуқароларни коронавируснинг “алфа”, “дельта”, “омикрон” ва бошқа штаммларидан сақланишда муҳим восита ҳисобланади. У организмда иммунитет таранглигини янада оширади.

Бустер доза олмоқчи бўлган фуқаролар туманимизнинг барча даволаш профилактика муассасаларида ташкил этилган эмлаш пунктларида вакцинанинг ҳар қандай туридан фойдаланишлари ва emlash.uz электрон тизими орқали сертификатлар базасидан эмланганлик тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин.

Элёр МУЗАФФАРОВ,
туман СЗО ва ЖСБ бўлими бўлими бошлиғи.

Тадбиркор – юртга мададкор ИШЛАШНИ ИСТАГАН ИМКОНИЯТ ҚИДИРАДИ

Бугун мамлакатимизда ишлайман, тадбиркорлик қилиб даромад топаман дегувчиларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Маҳаллаларда

темирчилик устaxonаси учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар харид қилиш учун АТ “Халқ банки” Фориш туман филиалига 30 миллион сўм банк кре-



тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга маҳаллаларга тайинланган ҳоким ёрдамчилари хизматга ҳозир нозир.

Туманимиздаги “Ойбек” номли маҳалланинг “Мустақиллик” кўчасида яшовчи Жонибек Дехқонов маҳаллага тайинланган ҳоким ёрдамчиси Жамшид Эшмуродов ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наврўзбой Назаровларга тадбиркорлик қилмоқчи экани, шуни орқасидан 2 та иш ўрни яратиш истаги борлигини айтганда улар бажонидил қўллаб-қувватлаб, кўмакка тайёр эканини билдиришди.

Шу тариқа учавлон бош қўшиб, молиявий режа тузишди. Жонибек Дехқонов темирчи, устачилик қилиб, темир профил эшик-деразалар, дарвозалар ясаш қўлидан келарди. Шуни инобатга олиб,

диди ажратишни сўраб муурожаат қилишди. Тез орада тадбиркорга сўралган кредит маблағи ажратиб берилиб, ишлар бошланиб кетди.

Айни кунда Жонибек Дехқонов устaxonа очиш ҳисобига 2 та иш ўрни яратиб, маҳалладаги вақтинча иш билан банд бўлмаган 2 нафар ёшни ишга қабул қилди ва ўз касб сир-синаотларини уларга кунт билан ўргатмоқда.

Устaxonада аҳоли буюртмаси асосида темир профиллардан дарвоза, эшик-дераза, стол-стуллар ясаб берилмоқда.

Ҳа, бугун тадбиркорлик қиламан деганларга барча шарт-шароитлар яратилган. Интилган, изланган одам, албатта, кўзланган мақсадига эришади. Ишлашни хоҳламаган одам эса баҳон қидириб ўтираверди.

Рашид КАРИМОВ.

ҲЕЧ КИМ ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

Отаси оламдан ўтганда Раҳмонқул Фармонов эндигона ўн тўрт ёшга тўлган эди. Онаси бошига тушган оғир мусибат Бибиғулни саросимага солиб қўйди.

Илож қанча? Йиғлаб-сиқтаб кунларни ўтказишди. Ҳамқишлоқлари Бибиғул онага ҳамдард бўлишди. Жамоа хўжалиги раиси Тўймурод Қамбаров оиланинг холидан хабардор бўлиб турди. Хола ўроқчи ва хирмончиларга нон ёпиб берадиган бўлди. Шу орада оиланинг бош фарзанди Раҳмонқул ҳам у-бу ишлар қўлидан келадиган бўлиб элга аралашди.

Яхши кунлар келишига умид боғлаб, ҳамма жамоа хўжалигининг юмушларига

ҳисса қўшиб, тинч-осойишта ҳаёт кечиришаётган пайтда эл бошига қоракунлар тушди. Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Барча йигитлар эл-юрт мудофааси учун фронтга отланди. 18 ёшга тўлар-тўлмас Раҳмонқул Фармонов ҳам фронтга чақирилди. Ўшанда Амриғул билан никоҳ тўйларига олти ой ҳам бўлмаганди.

Улар Каттақўрғонга олиб борилиб, 15 кун захирадаги полкда тайёргарликдан ўтди. Раҳмонқул Фармонов 3-Беллоруссия фронтининг 277-ўқчи полкига тушди. Бир ойлик тайёргарликдан сўнг жангга кирди.

Уруш – қон кечиш, жонни гаровга қўйиш демак. Смоленскни озод қилиш

учун курашда Раҳмонқул Фармонов бомба портлашидан контузияга учради. Москва ҳарбий госпиталида саломатлигини тиклади. 1944 йилнинг ёзида жангга кириб, Витебскни озод қилишда қатнашиб, қўлидан жараланди. Учунчи бор эса мина портлаши натижасида оёғи ва қўлидан жараланиб, Горький шаҳрида олти ой ҳарбий госпиталда даволанди. 1944 йилнинг 22 декабрь куни кадрдон қишлоғи Ўхумга қайтиб келди.

Раҳмонқул Фармонов жанговар хизматлари учун «Ватан уруши» ордени ва бир қанча медаллар билан тақдирланди.

Раҳмонқул Фармонов 1945 йилдан 1974 йилгача

қишлоқдаги мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, сўнгги олти йил давомида эса мактаб директори вазифасида фаолият юритди. Ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд шаҳридаги муаллимлар тайёрлаш билим юртида таҳсил олди. Устоз-педагогининг халқ маорифи соҳасидаги самарали меҳнати ҳам муносиб тақдирланиб, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

Бугун у орамизда бўлма-маса-да, у киши тарбиялаб вояга етказган шогирдлар, азиз фарзанд ва набиралари унинг номини улуглаб, хайрли ишларни давом эттирмоқдалар.

Маъмур МУҚУМОВ.

ОПАЛАР ЖАСОРАТИ ФАРЗАНДАЛАРГА МЕРОС

Иккинчи жаҳон уруши номини олган 1941 – 1945 йиллардаги азобли, қиргин-қийматли уруш йиллари даҳшатларини кекса авлод хали-хануз афсус-надомат билан ёдга олади. Билаги кучга тўлган эркаклару йигитлар фронтга кетгач жамоа хўжаликларида бажарилиши лозим бўлган жамики юмушлар қари-қартанглар, хотин-халаж, ўсмир ёшдаги болалар зиммасида қолади. Улар даладан бери келмай ишлаганлар. Оғир кечаётган дамлар, болакайлар эрта тонгда янтоқ япроқларига қўнган оқимтир кукунни ялаб ёки янтоқ «парварда» териб ўтказишарди кунларни, тақчиллик онларини. Дастурхонлар бўм-бўш, кийим-кечаклар қирқ ямоқли эди. Аммо, саросимага тушмади, тўғри йўлидан адашмади матонатли халқимиз.

Жамоа хўжаликлари ҳали оёққа туриб улгурмаган, мушкулли дамлар давом этаётган ёз кунларининг бирида тоғ ортидаги Ойтамғали қишлоғининг ёш ўғлини Қудрат Рустамов ҳам фронтга кетди ва Саратов шаҳридаги фронтга тайёрлов лагериди

уч ой ҳарбий чиниқиш сирларини ўрганди ва фронтга кирди.

Россиянинг Орлов, Тамбов, Воронеж вилоятлари ҳудудларини ҳимоялашда йигитлик гайратини ишга солиб, душманга қарши мардларча курашди. 1943 йил жангларнинг бирида ярадор бўлиб, госпиталга тушди. Даволаниб яна жангга кирди.

Душман чекинишга тушиб, ғалаба онлари яқинлашаётган дамлар ҳақида ахборотлар мунтазам берилиб бориладди. Қудрат Рустамов ғалаба ҳақидаги хўшxabарни Харьковдаги госпиталда даволанаётганида эшитди. 1945 йилнинг август ойида ҳамюртимиз ҳарбий хизматдан бўшатилди. Собик жангчи йигит 27 август куни киндик қони тўкилган кадрдон қишлоғи Ойтамғалига – оила аъзолари, ҳамқишлоқлари хузурига етиб келди.

Урушдан кейин бош чўпонлик вазифасига тайинланиб, бир отар қўй олди. 1946 йил ҳамқишлоғи Зухра исмли қизга қўнғил қўйиб, оила қурди. Тотувликда яшаб, 8 нафар фарзандлик бўлишди. Фарзандларини ўйли-жойли қилди.



Эллигинчи йилларда бошланган кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳаракати республикаимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзди. 1958 йил Қудрат ака Қорабдол ҳудудидан 100 хўжаликка бош бўлиб, Янгиерга кўчиб борди. Аввалига уй бошқармаси иш юритувчиси, сўнгра «Дружба» давлат хўжалигида пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Дўстлик туманидаги 11-давлат хўжалигида экспедитор вазифаларида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 1970 йил Ойтамғалига оиласи билан қайтиб келиб, мактабда хўжалик ишлари мудирлигида пенсияга чиққунига қадар ишлади.

Баҳрулло САЙПУЛОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ НОМИ БАРҲАЁТ

Собиқ шўро даври халқимиз бошига не-не қулфатларни солмади, дейсиз, Иккинчи жаҳон уруши-ю катагон йиллари, Афғонистон фожеаси... Буларни санаб адоғига етмайсан киши. Бу қирғинлар халқимизнинг энг сара ўғлонлари учун ажал коми бўлди.

Афғон уруши. Унинг тарихи борми? Нима сабабдан ўзбек ўғлонлари Афғонистонда хизмат ўтаган? Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: «Афғонистон ҳукумати қўллаб келаётган, шунингдек, ўз ташқи сиёсатини, коммунистик мафқурани дунё бўйлаб ёйиш орқали таъсир доирасини кенгайтириш асосида қурилган СССР қўшинларининг 1979 йил 25 декабрда Афғонистонга киритилиши дунёдаги барча тараққийпарвар халқлар томонидан кескин қораланди. 1989 йил февралда собиқ совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилди» - деб ёзилган.

Афғонистон жангоҳларида туманимиздан 110 нафар йигитларимиз қатнашган бўлса, уларнинг 5 нафари жангларда ҳалок бўлди. Жумладан, «Ўзбекистон» маҳалласидан Ҳаким Ҳатамов, «Учма» маҳалласидан Бегмат Ҳасанов, «Оқтепа» маҳалласидан Ҳабибулло Тўлаков, «Гараша» маҳалласидан Ўктам Ҳо-

жиев, «Дарвоза» маҳалласидан Ўнгалбой Ўнаровлар шулар жумласидандир.

Ўктам Ҳожиев мард ўғлон эди. У Гараша қишлоғида оддий хизматчи оиласида туғилди. У ҳозирги 79-умумтаълим мактабини аъло баҳо-ларга ўқиб тугатди. Ҳазилкаш, бир гапириб ўн куладиган, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган, билимга чанқоқ йигит эди. Мактабни тамомлагач Ўктам Ўрта Осиё педиатрия институтига ўқишга кирди. У институтнинг биринчи курсини тугатиш арафасида ҳарбий хизматга чақирув қоғози олади. 1985 йил 30 июнда ҳарбий қасамёд қабул қилди, беш ярим ой танк ўқув батальонида ўқиди. Ва танк экипажида тўп ўқловчи бўлиб Афғонистонда ўз йигитлик бурчини ўтай бошлади.

У бу ерда кимга қарши курашаётганини англаб етмай 1986 йил 16 ноябрь куни даҳшатли жангларнинг бирида оғир ярадор бўлади. Ҳарбий қасамёдига содиқ қолган

ҳолда жанговар топшириқни бажараётиб, ўзида қахрамонлик ва матонат намунасини кўрсата туриб оғир жараланган ва 1986 йил 17 ноябрда ҳалок бўлган. Бунгача у жанговар топшириқларни муваффақиятли адо этгани учун кичик сержант унвонига эга бўлган ва Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланганди.

Ўктамжоннинг ўлими ҳақидаги хабар қишлоққа етиб келди. Ох, фарзанд доғида қуйиш нақадар оғир! Ўктамжоннинг темир тобутини кучоқлаб қадди шунча меҳнат қилиб букилмаган ота қадди букилди, онаизори эса айрилиқдан буткул чўкди. Ўктамнинг оиласига тушган қайғу бутун қишлоққа, бутун ўзбек оиласига тушган қайғу эди. Бундай кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин, илоҳим.

**Ботир ТўРАЕВ,
Афғон жангчилари
уюшмаси раиси.**

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ СТРАТЕГИК МАСАЛА

Маълумки юртимизда аҳолини рўйхатга олиш юзасидан кенг камровли ишлар бошлаб юборилди. Албатта бу бугунги кун зарурати ўлароқ амалга оширилмоқда. Юртимизда охириги марта аҳолини рўйхатга олиш жараёни бундан 32 йил аввал бўлиб ўтгани бу масаланинг ҳозирда қандай аҳамият касб этишини кўрсатиб беради. Мисол учун Бирлашган Миллатлар Ташкилати аъзо мамлакатларни ҳар 10 йилда аҳолини тўлиқ рўйхатга олишни тавсия этади. Чунки бу келгуси декадаларда мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи стратегик қарорларни қабул қилиш учун асос бўла оладиган ишончли маълумотлар билан таъминланиш имконини беради.

Аҳолини рўйхатга олиш нафақат аҳоли сони ва демографияси балки оилавий аҳоли, яшаш шароити, бандлиги, жинси, ёш даражалари, фуқаролиги, ҳудудларда аҳоли зичлик даражаси ва бошқа ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ҳақида ишончли маълумот тўплаш имконини беради. Бу ўз навбатида ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам-ларига ёрдам кўрсатиш, бўш иш ўринларини ташкил этишга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳудудларнинг хариталаридаги мавжуд хатоликларга ечим топиш бўйича аниқ таклифлар бериш имконини вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга таъргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 710-сон қарорга мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш 2023 йида ўтказилиши белгиланди.

ФОРИШ ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

Ёднома САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Бизнинг ҳаётимиз ҳали туғаб улгурмаган китоб, туғилишимиз эса Ҳақ Таолонинг асл мўъжизасидир.

Ўдакнинг илк одимлари уни ёрқин келажак сари етакловчи суронли

моқда.

Олим ака Довилов таъаббуси билан Фориш туманида ташкил этилган «Жийда пўпак» фольклор ансамбл жамоаси республика ва халқаро миқёсдаги турли танловларда



йўлнинг бошланишидир. Кимдир бу йўлдан яхшилик-у савобларга лиммо лим ҳолда яна кимлардир эса қўйни пуч ёнғоққа тўлиб ўтади. Охирида қўлимизга тутқазиларидан китобнинг саҳифаларида қанча кўп эзгуликлар битилган бўлса, демалки умримиз шунчалик зое кетмаган бўлади. Ўз китобини яхшилик ва эзгуликларга тўлдирган инсонларнинг жамиятдаги ўрни эса кун сайин мустаҳкамланиб бораверади.

1958-йилда Фориш тумани Амир Темур маҳалласи Кўҳнабозор қишлоғида туғилган устоз Олим ака Довилов ўз овозига эга дилкаш инсон эди. У киши яратган мусикий композициялар, фольклор йўналишидаги куй-қўшиқлар Фориш халқи учун жуда катта меросдир.

Устоз моҳир созанда, хуш овозли хонанда сифатида бетакрор ижролар яратди. Бугунги кунда фарзанди Зайнур Довилов ва туманимиздаги кўплаб созандалар ижросида устознинг ижодий мероси ёш авлодга қайта ўргатил-

Боғида баҳор куклади

Тоғида кийик юради

Ҳатто Париж, Бутун хориж биледи-эйи

Жийда пўпак

сингари шеърий мисралари орқали устоз инсонлар қалбида навқирон ёшлик ҳаяжонини, атроф-оламга муҳаббатни уйғота олди.

Мана шундай изланувчан, меҳнаткаш, самимий инсоннинг бевақт оламдан кўз юмиши нафақат яқинлари, оила аъзолари балки у кишини таниган барча ёр-у дўстларининг қалбига бир умрлик армонни жойлади.

Инсонлар ёдида ўзининг серқирра ижоди ва ёқимли овозига эга устознинг хотираси абадий бўлсин!

Умиджон НУРУЛЛАЕВ, ждпи санъатшунослик факультети 2-босқич талабаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

33-умумтаълим мактаби томонидан 1995 йилда Шукурова Севарага берилган № 073705 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАЙЛИК!

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга буюк аждодлар меросини ўргатиш, фахрланиш туйғуларини шакллантириш мақсадида туман халқ таълими бўлимига қарашли 22-умумтаълим мактабида туман халқ таълими бўлими, туман Мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги муносабати билан ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари ўтказилди. Мусобақа 5 та шарт яъни сафда шахдам қадам би-

лан қўшиқ айтиш, АК-74 қуролини нотўлиқ қисмга ажратиш ва йиғиш, 8 кг.ли тош (гиря)ни кўтариш, қўл кураши (армрестлинг) ва “Темур тузуклари” ва Темурийлар давлати тарихи билимдони шартлари асосида ташкил этилди. Мусобақаларда тумандаги 3, 6, 29, 30 ва мезбон 22-мактабларнинг 8-11-синф ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар ўзларининг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятларини синовдан ўтказдилар. Мurosасиз беллашувлар натижасига кўра 3-ўринни 29-мактаб-



нинг “Қалқон” жамоаси, 2-ўринни 3-мактабнинг “Қалқон” жамоаси ва 1-ўринни 22-мактабнинг “Соҳибқирон” жамоаси қўлга киритди. Голиб жамоалар ташкилотчилар ҳамкор

нинг диплом, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Адҳам НОРБЕКОВ, 22-мактаб ЧҚБТ раҳбари.

СОҒИНЧ ЙИҒЛАТАР

Ўйчан кўзларингизни эслаб,
Соғиниб соғинч ила яшайман.
Шеър-у-шифоингиз ёдлаб,
Якка-ёлғиз бўзлаб яшайман.

Боқийга кетдингиз, жисмим титрайди,
Кўзларда ёш қалқир, қалбим инграйди.
Соғиниб сизни Сафойим кўнгил йиғлайди,
Соғиниб сизни, дунёим-борим йиғлайди.

Хотирамда порлоқ Сафойим,
Инингизман сизсиз яшайман.
Етолмаган буюк тоғингиз,
Чўққиларин излаб яшайман.

Аждодларим ортида доим
Соғинчларим туйиб яшайман.
Боғдондаги сўйган боғингиз
Гулларингиз ислаб яшайман.

Сатқа жоним она-Ватанга,
Ифтихорга тўлиб яшайман.
Сиз тўймаган ўша ҳаётга,
Интиламан севиб яшайман.

Издощ бўлиб аҳду-вафога,
Қалб сўзингиз эслаб яшайман.
Эргаш бўлиб, сизга Сафога,
Зор-интизор бўлиб яшайман.

Боқийга кетдингиз жисмим титрайди
Кўзларда ёш қалқир, қалбим инграйди.
Соғиниб Сизни Сафойим кўнгил йиғлайди
Соғиниб сизни, дунёим-борим йиғлайди.

Эргаш ТУРСУНМУРОДОВ.

УСТОЗИМГА (Набирам Асалнинг деганлари)

Қўлларимда даста гул
Юракда зўр ҳаяжон.
Қадам қўйдим мактабга,
Ёддан чиқмас ўша он.

Юзлари офтоб мисол
Кулиб кутган устозим.
Секин тутиб қўлимдан,
Бошлаб берди парвозим.

Шундан сўнг учдим бутун
Ҳаёлот оламида.
Оқ-қорани танидим
Билимлар уммонида.

Аммо ҳаёт бешавқат,
Ҳар ким кетар бир кун.
Азалий қонун шудир,
Ўлчаб бўлмас умрни.

Устозим сиз кетдингиз
Яқинлар қолди бўзлаб.
Самимий меҳр тўла
Бир меҳрибон қалб излаб.

Рухингиз олсин ором
Мақоми жаннат бўлсин.
Тўрт мавсумда қабрингиз
Ўлиб-қулларга тўлсин.

Ўйинса НОРИЕВА, 33-умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Мутахассислар минбари

ШАРҚ МЕВАХЎРИ

Шарқ мевахўри шафтоли, олхўри, гилос, олча, ўрик, олма, нок ва беҳига жиддий зарар етказади. У асосан новда ва мевани зарарлайди. Гилос дарахтларида эса янги ўсган новда учидан кириб ўртасини ейди. Шафтолининг ёш новдаларини зарарлаб, бора-бора қуритиб қўяди. Шафтолида мева ичига кириб данак атрофини ейди.

Шарқ мевахўрининг капалаги қанотларини ёзгандан узунлиги 1,0-1,5 см, кўнғир тусли, кўкраги қорнидан қорамтирроқ. Олдинги қанотларининг чеккасида оқ доғчалари бор. Қанотларининг попуғи кўнғир тусли. Тўхуми 0,7 мм, юмалоқ ёки овал шаклда, юқори томони буришган. Қуртининг катталиги 12 мм.гача, ёшлигида оқ, ривожланиб бўлишига яқин оч қизғиш тусга кирди. Гўмбаги жигар ранг, қуртининг сўнги сегментининг юзасида қиллари бор, шу орқали бу қуртни олма қурти ва бошқа қуртлардан фарқлаш мумкин.

Шухрат ИСМОИЛОВ, ўсимликлар каранти инспектори.

ГИЛОС ПАШШАСИ

Гилос боғларидан юқори васифатли ҳосил олишда унинг асосий зараркунанда ва касалликларидан ўз вақтида самарали ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда гилоснинг энг асосий ва хавфли зараркунандаси бу гилос пашшасидир.

Гилос пашшаси бир йилда бир марта авлод берди, ҳар бир пашша 150 тага яқин гилос ёки олчага биттадан тўхум қўйиб зарар келтиради. Эрта баҳорда ҳаво ҳарорати +12-15 градус бўлганда яъни март ойининг иккинчи ярмида қишлоб қолган гўмбаклардан пашшалар уча бошлайди ва 12-14 кун ўсимлик ширалари ажратган экскриментлар билан озиқланиб, ҳаво ҳарорати ўртача плюс 18 даражадан 22 даражагача бўлганда гилос ва олчанинг ёш меваларига тўхум қўяди.

Гилос пашшаси — ён атрофидаги бегона ўтлар, дарахтларнинг ёриқларига

кириб гўмбакка айланади ва уйқуга кетади. Гилос пашшасига қарши боғларни минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш, сўғориш, қатор ора-ларига ишлов бериш ҳамда боғнинг ичкараси ва атрофларидаги бегона ўтларни йўқ қилиш зарур.

Гилос пашшасини олдиндан аниқлаш, мониторинг қилиш мақсадида дарахтларга гектарига 1 донадан феромон тутқичлар қўйиш ва уларни доимий кузатиб бориш лозим.

Ушбу зараркунанда аниқланганда унга қарши олтинкўз энтомофагини боғларга тарқатиш ҳамда таъсир этувчи модда сиябамектин, имидаклоприд ва лямбда-цигалотрин бўлган инсектоцидларни қўллаш юқори самара беради.

Дилшод РИСБЕКОВ, ўсимликлар карантини инспектори.



**FORISH
TONGI**

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Forish tuman Kengashi
va tuman hokimligi

Manzilimiz: Bog'don shaharchasi,
Sh.Rashidov ko'chasi 3-uy

Bosh muharrir Rashid KARIMOV

“Forish tongi”
materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshiriladi
Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar muallifga
qaytarilmaydi va javob
yozilmaydi.

Gazetaning
ro'yxatdan o'tish
tartibi: 06-011
ISSN 2010-8451

Gazeta sotuvda
kelishilgan narxda

Telefon: (91) 591-47-10

Gazeta 1550 nusxada bosildi

Qog'oz bichimi A3

Gazeta tahririyatning o'zida terildi va
kompyuter operatori **Gulmira ISMOILOVA**
tomonidan sahifalandi.

Chop etish uchun
mas'ul:
B.SAYPULOV

Musahhih:
S.OTABEKOVA

Gazeta “Rastr plyus Print” mas'uliyati
cheklangan jamiyatida bosildi
Korxona manzili: Jizzax shahri
Sayiljoyi ko'chasi 4-uy.
Bosishga topshirish vaqti 18:00
Topshirildi 18:00 Buyurtma _____